XALQ DEPUTATLARI KOGON SHAHAR KENGASHI QARORI

2021 - yil 31 - dekabr VI-51-103-2-208-K/21 Kogon shahar hokimligi

Когон шаҳри бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 429 ва 437-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3-декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-6121-сонли Фармони ҳамда вилоят хокимлиги молия бош бошқармасининг 2021 йил 12-ноябрдаги 01/06/20-02-38/67-сонли, вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12-ноябрдаги 19/10-76108-сонли қўшма хатларига асосан, Когон шаҳри бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиқларининг 2022 йил учун солиқ ставкаларини тартибга солиш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Вилоят хокимлиги молия бош бошқармасининг 2021 йил 12-ноябрдаги 01/06/20-02-38/67-сонли, вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2021 йил 12-ноябрдаги 19/10-76108-сонли қўшма хатларига асосан, Когон шаҳри бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари базавий солиқ ставкаси 1 гектар учун мутлақ миқдори 29,8 млн.сўм ҳамда жисмоний шахсларга 1 кв.м учун базавий солиқ ставкасининг мутлақ миқдори 266 сўм белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2.Шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (Н.Эшмуродов) ҳамда шаҳар давлат солиқ инспексияси (К.Ахмадова)нинг маҳалла фуқаролар йиғинларининг иқтисодий ривожланганлик даражаси ҳамда келгуси йил учун белгиланган

шаҳар маҳаллий бюджет прогнозидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича 2022 йилда шаҳар бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг базавий ер солиғи ставкаларининг мутлақ миқдорларига нисбатан камайтирилувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш бўйича таклифлари инобатга олинсин.

3.Маҳалла фуқаролар йиғинлариниг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда Когон шаҳри учун мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Маҳалла фуқаролар йиғинлариниг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда Когон шаҳар учун мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўланиладиган коэффитцентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.Халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгашлари 2020 йил 28-декабрдаги 99/23-VI-сонли қарорининг 2-иловаси 2022 йил 1-январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6.Шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати (М.Нарзиллоев), “Когон ҳаёти” газетаси таҳририяти (З.Халилова)ларга:

Когон шаҳар бўйича 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларнинг ер солиғи ставкаларини оммавий ахборот воситаларида ва шаҳар ҳокимлигининг расмий веб сайтида эълон қилсин.

7.Мазкур қарор ижросининг назорати халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклансин.

8.Ушбу қарор 2022 йил 1-январдан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **H.H.Davlatov**

Халқ депутатлари Когон шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-51-103-2-208-K/21-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича 2022 йилда мутлоқ миқдорда белгиланган ер солиғининг базавий солиқ ставкаларига қўлланиладиган коеффициентлар

Т.Р	МФЙ номи	Юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун	
		Коеффитсент миқдори	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)
1	Арабхона МФЙ	1,02	30 050 955
2	Бунёдкор МФЙ	1,02	30 050 955
3	Махтум Қули МФЙ	0,96	28 269 423
4	Зирабод МФЙ	0,99	29 143 735
5	Фурқат МФЙ	0,99	29 143 735
6	Абдулла Қодирий МФЙ	0,99	29 143 735
7	Алишер Навоий МФЙ	1,02	30 050 955
8	Зиёкор МФЙ	1,02	30 050 955
9	Хўжа Барги МФЙ	0,99	29 143 735
10	Бобур МФЙ	1,02	30 050 955
11	Адолат МФЙ	1,02	30 050 955
12	Темирйўлчи МФЙ	1,02	30 050 955
13	Амир Темур МФЙ	1,02	30 050 955
14	Истиқлол МФЙ	1,02	30 050 955
15	Навзирабод МФЙ	0,99	29 143 735
16	Бухорои Шариф МФЙ	0,99	29 143 735
17	Дўстлик МФЙ	1,02	30 050 955
18	Беруний МФЙ	0,99	29 143 735
19	Туркистон МФЙ	0,99	29 143 735

20	Мирзо Улуғбек МФЙ	1,02	30 050 955
21	Мустақиллик МФЙ	1,02	30 050 955
22	Ватанпарвар МФЙ	0,99	29 143 735

Халқ депутатлари Когон шаҳар
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
VI-51-103-2-208-K/21-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) 2022 йилда мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига қўланиладиган коэффициентлар

Т.Р	МФЙ номи	Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси 2022 йил учун	
		Коеффитсент миқдори	Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда)
1	Арабхона МФЙ	1,00	266
2	Бунёдкор МФЙ	1,00	266
3	Маҳтум Қули МФЙ	1,00	266
4	Зирабод МФЙ	1,00	266
5	Фурқат МФЙ	1,00	266
6	Абдулла Қодирий МФЙ	1,00	266
7	Алишер Навоий МФЙ	1,00	266
8	Зиёкор МФЙ	1,00	266
9	Хўжа Барги МФЙ	1,00	266
10	Бобур МФЙ	1,00	266
11	Адолат МФЙ	1,00	266
12	Темирйўлчи МФЙ	1,00	266
13	Амир Темур МФЙ	1,00	266
14	Истиқлол МФЙ	1,00	266
15	Навзирабод МФЙ	1,00	266
16	Бухорои Шариф МФЙ	1,00	266
17	Дўстлик МФЙ	1,00	266
18	Беруний МФЙ	1,00	266
19	Туркистон МФЙ	1,00	266
20	Мирзо Улуғбек МФЙ	1,00	266
21	Мустақиллик МФЙ	1,00	266
22	Ватанпарвар МФЙ	1,00	266